

«PROGRESS AUDIT» АУДИТОРЛИК  
ТАШКИЛОТИ

200100, Hamza ko'cha, 14-uy Buxoro sh.

Тел. (8-365) 223-86-40

х/р № 2020800003201832001, МФО: 00088. ИНН:202359083. Ипотека банк Бухоро булми, ХХТУТ: 84400.

Бухоро шаҳар «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача молиявий хўжалик фаолияти буйича

*Ижобий аудиторлик хулоса.*

2022 йил 12 март

Бухоро ш.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT» аудиторлик ташкилотига, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 7 октябр 2013 йилда берилган № 351-ракамли гувоҳнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2019 йил 5 апрелдаги Серия АФ № 00784-сонли лицензиясига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга руҳсат берилган.

Манзили: Бухоро шаҳар, Хамза кучаси 14 уй, 5 хонада жойлашган ташкилотнинг аудитори, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2021 йил 16 декабрда берилган № 05761-сонли аудитор малака сертификати эгаси «Прогресс-Аудит» Маъсулияти Чекланган жамият аудитори С.С.Алимджанова «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти билан МЧЖ шаклидаги «PROGRESS-AUDIT» аудиторлик ташкилоти ўртасида 25.01.2022 йилда тузилган № 1/14-сонли тузилган шартномага асосан «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг 1.01.2021 йилдан 31.12.2021 йилгача молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботлар юзасидан аудиторлик текшируви ўтказдим.

Жамият Бухоро шаҳар солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб 300703864 сонли инденфикацион рақами берилган,

Манзили: Бухоро шаҳар Ибн Сино кучаси 1 уй х/р № 20208000204676163001 Ўзсаноатқурилиш банк Бухоро минтакавий филиали МФО: 00086 ОКОНХ: 71262. ОКЭД: 68201.

Аудиторлик текширувига доир жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича тузилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти раҳбарияти жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларга асосан берилган аудиторлик хулоса учун аудиторлик ташкилоти маъсулдир. Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик.

Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Бухоро марказий дехкон бозори» акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик муомилалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS-AUDIT»  
аудиторлик ташкилоти раҳбари:

С.С.Алимджанова.